Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 8 октябрь № 210 (3485) Жума

Чин сўз қадри

КЕЧА ЎЗ ИШИНИ БОШЛАГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлангандан буён мамлакатимизнинг барча минтақаларида халқаро конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар мунтазам бўлиб ўтмоқда. Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Стратегик ва минтақаларароо тадқиқотлар институти, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, нодавлат ва халқаро ташкилотлар томонидан Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган «Олий Мажлисга сайловлар: ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги муҳим босқич» ва «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзуларидаги конференциялар ҳамда «Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари — халқаро тажриба, меъёрлар ва андозалар» мавзуидаги семинар ана шу тадбирлар сирасига киради.

Сайловлар сиёсий демократиянинг муҳим таркибий қисми, деб кўп бора такрорлаймиз. Аслида демократиянинг ҳам муайян бир андозаси, қолипи бўлмайди. Бошқа бир мамлакатдаги сиёсий жараёнлар зафари ёхуд таназзули ўзга юртдаги айнан шундай воқеалар силсиласига мутлақо ўхшамайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу воқеликларга оммавий ахборот воситаларининг назари ҳам турлича бўлиши, табиий. Бу ўринда биз айнан воқеликка нисбатан муносабат ва ижодий талқиннинг ранг-баранглигини назарда тутаяпмиз.

Куни кеча ўтказилган «Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва этик жиҳатлар» мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам ана шу масалалар тўла таҳлил этилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Марказий сайлов комиссияси, Сиёсий тадқиқотлар институти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган бу анжуман «Демократик сайловлар, сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари», «Сайлов технологиялари: имкониятлар, муаммолар ва истиқболлар» ҳамда «Сайловларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуидаги уч сессиявий йиғилиш кўринишида ўтказилди.

Анжуманда Олий Мажлис депутатлари, қатор мамлакатлар сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, жамоат уюшмалари ва Ўзбекистон фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари, дипломатик миссиялар раҳбарлари, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Украина, Жанубий Кореядан ташриф буюрган сайлов технологиялари бўйича мутахассислар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Айниқса, БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиёдаги минтақавий маслаҳатчиси, профессор Рейн Мюллерсон, Ф. Эберт номидаги жамғарманинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари доктор Райнхард Крумм, Россия Федерацияси ТИВ дипломатик академияси профессори Игорь Панариннинг чиқишлари тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш. Қудратхўжаевнинг маърузасини ҳам анжуман иштирокчилари қизиқиб тингладилар. Маърузачи демократик янгиланишларнинг динамик ўсишини, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаоллигини алоҳида таъкидлади. 1994 йилда сайловларни 475 та ОАВ ёритган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 686 тага етган. Бу йил эса сайлов кампаниясини 928 та ОАВ ёритиши кузатилмоқда. Шулардан 597 таси газета, 93 таси электрон ОАВ, шунингдек, телестудиялар, кабель каналлари, ахборот агентликлари ва бошқалар ҳам бор.

Конференцияда сўзга чиққанлар сайлов кампаниясини ўтказиш стратегияси ва тактикаси, унинг ташвиқот-реклама, ташкилий-оммавий ҳамда ахборот-таҳлилий таъминоти, сайловчилар билан ишни режалаштириш ва бошқариш, партиявий шаклланиш, оммавий ахборот воситаларининг сайловлар жараёнидаги фаолияти ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Турли мамлакатлардаги сайлов кампанияларининг этик-ҳуқуқий жиҳатлари ва унда ОАВ роли ва иштирокини ўзаро қиёслаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш йўлларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, Европа Иттифоқи комиссиясининг Ўзбекистондаги Европа уйи раҳбари Питер Реддиш таъкидлаганидек, бирор нарсани ҳамма кўради, лекин уни ҳар ким ўзича, иқтидори даражасида талқин этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — сайловларни ёритиш, уларнинг моҳиятини халққа тўғри ва тезкор етказиш, сайловлар тўғрисида қонун ва ҳужжатларни кенг тарғиб этиш, умуман мазкур воқеликни бутун бўй-басти билан ҳаққоний акс эттириш жуда-жуда муҳимдир. Чин сўз қадри ана шунда билинади. Ёлғон-яшиқ, сохта маълумотларнинг эса умри қисқадир. Ҳар қалай, бу масалалар хорижий ва маҳаллий маърузачилар, конференциянинг бошқа иштирокчилари чиқишларида атрофлича муҳокама этилди ва бу мунозаралар бугун бўладиган сессиявий йиғилишда давом этади.

Анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Меҳнат ҳурмат келтирди

Чустликлар Мавлуда Имомова номини ташкилотчи раҳбар, уста пахтакор дея фахр ила тилга олишади. Чунки деҳқончилик фаолиятини "Баймоқ" ширкат хўжалиги 3-пудратчилар бригадасига етакчилик қилишдан бошлаган М. Имомова ўзининг меҳнатсеварлиги, ишнинг кўзини билиши туфайли ширкат аъзолари эътиборини қозонибгина қолмай хўжалик раиси этиб ҳам сайланди.

"Баймоқ"да жорий йил баҳорида 574 гектар майдонга чигит қадалганди. Кўкламги ташвишлар, саратондаги елиб-югуришлар кузакда ўз самарасини берди. Белгиланган режа қисқа фурсатда ортиғи билан адо этилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнердан ошди.

Айни кунларда хўжаликда пахта йиғим-терими билан бир қаторда 441 гектар майдондаги бошоқли дон ҳам сифатли парваришланмоқда.

СУРАТДА: "Баймоқ" ширкат хўжалиги раиси Мавлуда Имомова пахта даласида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Нарпай тажрибаси

Пахтачилик соҳасида Нарпайнинг ўз мактаби, ўз тажрибаси бор. Буни нарпайликларнинг кейинги етти йил мобайнида вилоят туманлари ўртасида пахта тайёрлаш давлат буюртмасини биринчи бўлиб уддалаб келаётганларидан ҳам англаш қийин эмас.



2004 йилда ҳам нарпайлик пахтакорлар ўз анъаналаригa содиқ қолишди. Мўлжалдаги ҳосил — 30200 тонна пахтани йиғиб-териб олиш учун атиги 16 иш куни кифоя қилди холос. Энг қувончлиси, йиғиштирилган ҳосил 100 фоиз биринчи сортларга сотилди.

— Ютуқларимизнинг сабаби, энг аввало, Юртбошимизнинг аграр соҳадаги фармонлари, ҳукуматимизнинг бу борадаги қарорлари мағзини деҳқонларимизнинг тўғри англашларида, шу асосда деҳқончилик маданиятининг юксалтирилишида, — дейди туман ҳокими, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Акбар Жамилов. — Ва яна асосийси, йилдан-йилга пахта харид нархининг ошиб бораётгани, пудратчининг ҳам, фермернинг ҳам меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириб юбораяпти.

(Давоми 2-бетда).

Водийда пешқадам

Избосканлик пахтакорлар Фарғона водийсидаги туманлар ўртасида биринчи бўлиб давлатга «оқ олтин» сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига 28.635 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга сотилди. «Чўнгбоғиш», «Избоскан», «Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги», А. Тиллабоев номли ширкат хўжаликларида ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган «оқ олтин» 31-34 центнерни ташкил қилди.

Шунингдек, Жалақудуқ тумани пахтакорлари ҳам 22.920 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, шартнома режасини уддаладилар.

Айни пайтда ҳар икки туман хўжаликларида етиштирилган ҳосилнинг охирги мисқолигача йиғиб-териб олиш борасидаги сафарбарлик пасайгани йўқ.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Парижда Ўзбекистон нафаси

Париж мэриясининг Тантаналар залида мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унинг экспонатларини Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари ва республикамиз вилоятларидаги халқ усталарининг ишлари ташкил қилди.

Кўргазмани Парижнинг 11-райони мэри Жорж Сарре очди. У Франция пойтахтида ўзбек кўргазмасининг ўтказилиши рамзий маъно касб этганига эътибор қаратиб, "Франция раҳбарияти каби дунёвий сиёсат юритаётган Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ мамлакатда динлараро ва элатлараро тотувлик ҳукм сурмоқда", деди.

Кўргазма доирасида ўзбек санъати ихлосмандлари Дидие Лабуш ва Сержио Коззи томонидан француз тилида нашр этилган "Ўзбекистон Ипак йўли марказида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг тарихи, маданияти ва анъаналари ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

Кўргазмага ташриф буюрган кўплаб кишилар Ўзбекистон амалий санъатининг серқирралиги ва бетакрор анъаналарга эгалигини эътироф этишди. Масалан, "SFEC" компанияси бош директори Алан Шират мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаол ривож топаётгани, бу борада қатор муҳим қонунлар қабул қилинганини мамнуният билан қайд этди.

"Жаҳон" АА.

Истиқлол миллатимиз учун ўзини, ўзлигини англаш, дунёга танитиш, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихини, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш имконини берди. Шарқнинг қадим дурдоналаридан саналган Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйлари муносиб нишонланди.



Қарши — қадим дурдоналаримиздан бири

Ўтмишда яшаб, ўзидан буюк маънавий мерос қолдирган кўплаб аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланиб, жаҳон илмфани хазинасига, дину диёнат равнақига қўшган оламшумул ҳиссалари қадр топди. Аждодларга муносиб ворислик эҳтироми сифатида уларнинг номлари абадийлаштирилди, мангу қўним топган манзиллари ободонлаштирилди ҳамда зиёратгоҳларга айлантирилди.

Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига сафарларидан бирида ушбу юртда бундай инсонлар жуда кўп ўтганини, хусусан, биргина Қарши — қадимий Насаф шаҳридан "Насафий" тахаллуси билан шуҳрат қозонган ўнлаб фозиллар етишиб чиққанини алоҳида таъкидлаган эди.



Юртбошимиз мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғиб ташвиқ қилиш, уларнинг қадамжоларини обод этиш, тарихий обидаларни таъмирлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш чораларини кўриш зарурлигига мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамаси шу йил 29 сентябрда қабул қилган "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги қарор бу борадаги хайрли ишларнинг яна бир далилидир.

Ҳукумат қарорида жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Қарши шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллиги муносабати билан юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни 2005 йилда ўтказишни ташкил этиш бўйича кўзда тутилган тадбирларнинг кўлами кенг, аҳамияти эса каттадир. Зеро, ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзининг 32-сессиясида ушбу масала бўйича қабул қилган қарорида қайд этганидек, Қарши шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллигини нишонлашда мазкур халқаро ташкилот ҳам фаол иштирок этади.

(Давоми 2-бетда).

ВИРТУАЛ КУТУБХОНА

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири А.ИВАНОВА).

Республикамизда кейинги 12 йил давомида ҳимоя қилинган илмий ишларнинг асосий натижалари билан танишиш учун энди махсус кутубхона фондларига мурожаат қилмаса ҳам бўлади. Бундан буён мамлакатнинг энг чекка жойида туриб барча зарур маълумотларни олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида илмий ишларнинг электрон фонди, аннотациялар, илмий янгиликлар ҳамда ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосаларнинг маълумотлар базаси ташкил этилди. Электрон кутубхонадан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини тегишли дастурий комплекс таъминлайди. Компьютер фанлар, мутахассисликлар ва номлар бўйича зарур илмий ишларни ўзи излаб топади. Яқинда Олий аттестация комиссияси мутахассислари янги дастурий маҳсулот учун Давлат патент идорасидан муаллифлик гувоҳномасини олди.

Экспертларнинг фикрича, илмий ишларнинг тобора бойиб бораётган электрон кутубхонаси фан ва техника соҳасидаги янги ютуқлар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни анча енгиллаштиради. Бу олимлар, аспирантлар ва талабаларга катта ёрдам беради. Шунингдек, кутубхона педагогик кадрларга маърузалар тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ёзишда ҳам қўл келади. Бундан ташқари, виртуал кутубхона ҳимояга қилинаётган янги илмий ишлар экспертизасини тезлаштириш имконини беради.

Ҳозир янгилик масофавий алоқа ўрнатилган икки вилоят олий ўқув юрти — Гулистон давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институтида синовдан ўтказилмоқда. Келгусида республикамиздаги барча илмий муассасалар ва олий ўқув юртлар илмий ишларнинг электрон фондидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга сўнгги ўн йилда МДҲ давлатларида ҳимоя қилинган илмий ишлар бўйича ҳам ана шундай маълумотлар базаси шакллантирила бошланди.

«Янги Берлиннинг элликта лойиҳаси»

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти ҳамда Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма "Янги Берлиннинг элликта лойиҳаси" деб номланди.

Ушбу кўргазмани ўтказишдан мақсад, дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири, мамлакатимиздаги соҳа мутахассисларини замонавий немис меъморчилик намуналари билан таништиришдан иборатдир.

«ЎЗКОДЖИ»нинг истиқболи баланд

"ЎЗКОДЖИ" ўзбек-корейс қўшма корхонасида "ЎзДЭУ" автомобиллари учун симлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу мақсадда 47 нафар ишчи Кореядаги "Коджи индастри" компанияси ўқув марказида малака ошириб қайтди.

Ўтган тўққиз ой мобайнида тўрт миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, йил охирига қадар бу кўрсаткич 5,5 миллиард сўмликни ташкил этади.

Ўз мухбиримиз.

26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни

ИККИ ПАЛАТА, ЯГОНА МАҚСАД

Аввало, сайловчига боғлиқ

Ўтаётган ҳар бир кун бизни фуқаролик жамияти сари яқинлаштирмоқда. Бош мақсади фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи, жамият қонунларига итоат қилувчи тузум, энг аввало, ўз аъзоларининг онглилиги ҳисобига шаклланади.

Мантиқан бир-бирига чамбарчас боғланган қуйидаги силсилани ўйлаб кўрайлик: фаровон жамиятда яшашимиз учун қонунлар мукаммал бўлиши керак, қонунлар мукаммал бўлиши учун профессионал парламент талаб қилинади, халқ ва давлат манфаатини ўйлайдиган парламент аъзолари шаклланиши эса сайловчиларнинг муносиб номзодларга овоз беришига боғлиқ. Демак, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни фақат ҳуқуқшунослар, депутатлар, раҳбарларгина эмас, ҳамма-ҳамма — ҳамики сайловчилар яхши билиб олишлари керак.

Аввало, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунни кўриб чиқайлик. Уни олдин кўраётганимизга сабаб, Қонунчилик палатаси Олий Мажлиснинг қуйи палатаси ҳисобланиб, юқори палата, яъни Сенат сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Хўш, сайловчилар Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда нималарни ҳисобга олишлари керак. Гап шундаки, бўлажак сайлов 1999 йилда ўтган сайловдан фарқ қилади. Агар беш йил аввал парламентга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, йирик корхона раҳбарларини ҳам сайлаган бўлсак, эндиликда Қонунчилик палатасининг барча депутатлари доимий фаолият кўрсатувчи профессионал мутахассислар бўлиши кераклигини ҳисобга олишга тўғри келади.

Мамлакат бўйича 120 та сайлов округи бўлади. Қонунчилик палатасига номзодлар сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилади. Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаро Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Лойиҳадан қонунгача бўлган йўл

Қуйи палата депутати ўз фаолияти мобайнида нима ишлар билан шуғулланади? Конституцион Қонуннинг 8-моддасига биноан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг йигирма битта банддан иборат биргаликдаги ваколатлари ёзиб қўйилган. Ана шу ваколатларга дахлдор масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. 9-моддада Қонунчилик палатасининг тўрт банддан иборат мутлақ ваколатлари кўрсатилган. Қуйи палата қанча вақтда мажлис қилади, деган савол туғилиши мумкин. Агар ҳозирги парламент йил мобайнида уч-тўрт марта сессия қилаётган бўлса, Қонунчилик палатаси сессиялари, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар, демак, ўн ой мобайнида ўтказилади. Доимий фаолият дегани шу-да.

Қонунчилик палатаси тузилмалари ҳақида. Қуйи палатада 120 та депутат ичидан палатага раҳбарлик қилувчи Спикер ва унинг ўринбосарлари фаолият юритади. Ишни самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси кенгаши тузилади. Шунингдек, қуйи палата таркибида қўмиталар ҳам фаолият юритади. Раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат қўмиталарга Қонуннинг 18-моддасига биноан ўнта бандда ифодаланган ваколатлар берилган. Қўмиталарда назорат ҳуқуқи борми-йўқми, деган саволга шундай жавоб қиламиз: бу тузилма қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб боради, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқади ва тайёрлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилади.

Ваколат муддати даврида Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар камида тўққиз нафар бўлганда фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонун фракция ва депутатлар гуруҳига ўнта бандда ифодаланган ваколатлар берган.

Қонунчилик палатаси, ўз номи билан, қонун яратишдек муҳим ва зарур юмуш билан шуғулланади. Хўш, қандай қонунни яратиш кераклигини ким ҳал қилади? Бу саволга ушбу Қонуннинг 27-моддасидан жавоб олиш мумкин. Яъни, Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Шу ўринда битта гап. Олий Мажлиснинг Сенати қонунчилик ташаббусига эга эмасми? Сенаторлар қонун лойиҳаси билан танишишда, аввало, халқ (ўзи мансуб бўлган ҳудуд) ва давлат манфаатлари асосида ёндошишлари талаб қилинади. Лекин юқори палата ҳам қуйи палата каби қонунчилик ташаббусига эга бўлса, эртанги кунда улар ўзаро келишиб, ҳар иккала палата ўз қонунларини ўтказиш учун турли чекинишларга бориши мумкин. Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис X сессиясида масаланинг ана шунозик жиҳатини ниҳоятда ёрқин мисолларда тушунтириб бергандилар.

Янгиланган парламент шароитида қонун лойиҳаси ҳаётга йўлланма олгунча қандай босқичлардан ўтишини кўриб чиқайлик. Ушбу Қонуннинг 29-моддасига биноан, қуйи палата қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади. Очиқ ёки яширин овоз беришни депутатларнинг ўзлари ҳал қилишади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўша кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади. Сенат қонунни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Сенат маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Бордию Сенат қонунни рад этса, Қонунчилик палатасига қайтаради. Агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади. Президент қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

Сенат рад қилган қонун юзасидан ҳар иккала палата келишмовчиликларни бартараф этиш учун икки томондан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Бунда Сенатнинг ҳар бир эътирози алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади. Келишув комиссияси хулоса қабул қилади. Бу хулоса қуйи палатада ўн кун ичида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади. Сенат таклифлари инобатга олинса, қонун яна Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Бордию Қонунчилик палатаси аввалги таҳрирда қабул қилиш керак, деб ҳисобласа, ўша ҳолда овозга қўяди. Учдан икки қисм депутат маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Сенатор сиёсат оламида янги шахс

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонун мамлакатимизда янгидан вужудга келаётган юқори палатанинг ҳуқуқий ўрнини белгилаб беради. Маълумки, бизда ўн тўртта ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри) мавжуд. Уларнинг ҳар биридан олтитадан вакил тегишли қўшма мажлисларда Сенатга сайланади. Шунинг учун мазкур палата Қонунда ҳудудий вакиллик палатаси деб аталади. Шундай қилиб, жойлардан сайланган жами 84 нафар сенатор (улар сал олдин Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига халқ томонидан сайланган бўлишади) ёнига юқори палатанинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг Қонунчилик палатасидан ажралиб турадиган тафовутларини кўриб чиқайлик. Қуйи палата доимий фаолият юритади, юқори палата заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта тўпланади. Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар кунги фаолиятларида қонун ижодкорлиги билан шуғулланса, сенаторлар асосан халқ ҳаётининг қайноқ нуқталаридан келиб, тақдим этилган қонунга аввало халқ, давлат нуқтаи назаридан баҳо беришади. Қуйи палатада депутатлар фракция ва гуруҳларга бўлиниб, ўзлари мансуб бўлган партия манфаатларини кўзлашса, Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди. Нима учун? Қуйи палата ўз партиявий манфаати ёки гуруҳи ғояси учун курашса, юқори палата аъзолари эса фақат давлат, миллат манфаатлари асосида келажагимизни кўзлаган ҳолда Қонунчилик палатасидаги тортишувларга ўз баҳосини беради, ана шу томонлари билан ҳам юқори туради.

Фараз қилинг, сиз бирор вилоятдан вакил қилинган сенаторсиз. Ҳаётни яхши биласиз, қандай ҳаракат қандай натижа беришини олдиндан англаб етасиз. Сизга Сенат аъзоси сифатида қуйи палата тақдим этган қонунни тутқазишди. Албатта, бу ҳужжат қонун ижодкорлиги борасида кўзи пишган, жаҳон парламентчилиги тажрибаларини ўрганган, хуллас, қонун ёзишни касб қилиб олган депутатлар қўлидан чиққан. Улар сизга қонунни тақдим этишар экан, «Қани, бу ҳужжатга халқ, давлат, адолат нуқтаи-назаридан баҳо беринг, бордию қўшимчангиз бўлса, марҳамат, айтинг» дейишади. Сиз қонунда баён этилган моддаларни хаёлан ҳаётга татбиқ этиб кўрасиз, қайси жиҳати «тишингизга тегса», асосли қилиб айтасиз. Сизнинг «тоза нигоҳ»ингиз Қонунчилик палатаси депутатлари сезмаган нуқсонларни кўрсатиб бериши мумкин. Ўшанда нимага эришамиз? Ҳар жиҳатдан пишиқ, истиқболли, халқимиз манфаатларига монанд қонунга эга бўламиз. Икки палатали парламент тизимига ўтишдан мақсадимиз шу эмасми?!

Нима ўзгаради?

Шуни айтиш керакки, парламентимиз қабул қилган иккала қонун ҳам азалий қадриятларимизга ва дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб яратилган. Ҳозирдан янги тизимга ўтганимиздан сўнг нималарга эга бўлишимиз кўз олдимизда намоён бўлаётир. Ҳа, фуқаролик жамияти шаклланиши асосида парламентимиз таркиби ўзгаради. Яъни, қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи депутатларимиз касбий малакага эга бўлишади, ўз қобилият ва иқтидорларини шу ишга сарфлашади. Инсондаги имкониятлар эса қачон ўз жойида ишлатилса, кўпроқ самара беради, наф келтиради.

Ўзида икки палатани бирлаштирган Олий Мажлис бугунги кундагидан кўра кенгроқ ваколатга эга бўлади, демак, ҳаётимизга таъсири ҳам кучаяди. Янги тизимга ўтганимиздан кейин барча субъектларда масъулият туйғуси янада ошади. Партияларимиз мавқеи ҳам кўтарилади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, мавжуд қонунларни ҳаётга татбиқ этишда баъзан мушкулликлар учраб туради. Шундай ҳолларда қонунга амал қилиш механизми оқсаяпти, деган изоҳни беришади. Бўлиши мумкин. Лекин, бизнинг назаримизда, ана шу механизм қонуннинг руҳида мавжуд бўлса, мақсадга мувофиқдир. Таъбир жоиз бўлса, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида обдон ишланса, Сенатда жамики талаблар нуқтаи-назаридан пишитилса (сенаторлар унинг ижросини ҳам кўз олдиларига келтиришлари турган гап), халқимизнинг онгу тафаккури янада юксалса, ҳуқуқий жамият андозаларига мослашишимиз жадаллик касб этади, албатта. Ана шундай эзгу ниятларни дилимизга тугиб, парламент ислоҳоти сари бораяпмиз. Бу интилиш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган тамойилига тўла мос келади.

Ҳеч шубҳа йўқки, янгиланган фуқаролик жамияти Ўзбекистоннинг йўлини нурли манзиллар сари жадаллаштиради. Бунинг учун жамиятимиз истиқболини белгиловчи қонунларни пухта эгаллашимиз ва қонун устуворлигини ҳаётий воқеликка айлантиришимиз керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Австралиядаги йирик Паурхаус амалий санъат музейида "Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва кулолчилиги" кўргазмаси очилди.

ЮРТИМИЗ КЎРГАЗМАСИ СИДНЕЙНИ ЛОЛ ҚОЛДИРМОҚДА

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари ва спорт вазирлиги, "Ўзбекмузей" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКО, "Марказий Осиё мероси" жамғармасининг Тошкентдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан ташкил этилди. Унда Бухоро, Самарқанд ва Нукус шаҳарларидаги музейларнинг темурийлар даврига оид амалий санъат асарлари — ноёб газламалар ва сопол буюмлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида ҳозир бўлган Австралия Янги Жанубий Уэльс штати ҳамда Сидней шаҳри маъмурияти раҳбарлари, маданият ва санъат намоёндалари, хорижий давлатлардан ташриф буюрган делегациялар вакиллари нодир газлама ва кулолчилик буюмлари "яшил қитъа" аҳолиси ва меҳмонларини лол қолдирганини алоҳида таъкидладилар.

— Австралияда Ўзбекистон музейлари кўргазмаси илк бор намойиш этилмоқда, — дейди Паурхаус амалий санъат музейи директори доктор Кевин Фьюстер. — Ҳеч муболағасиз, кўргазмадан жой олган халқ амалий санъати буюмлари Ўзбекистоннинг бой маданий мероси хазинасининг жавоҳирларидандир. Мазкур кўргазма австралияликларга, Сидней шаҳри меҳмонларига Буюк Ипак йўли марказида жойлашган ажойиб ўлка ҳамда унинг тарихи ва маданияти, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Кўҳна заминимиз амалий санъат намуналари билан танишиш учун Сидней шаҳри музейига кўплаб томошабинлар ташриф буюрмоқда. Мамлакат оммавий ахборот воситалари эса бу тадбирни Австралия маданий ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида эътироф этаётир. Хусусан, нуфузли "Хали" халқаро журнали кўргазма ҳақида "Ҳайратга солувчи жозиба", "Мисли кўрилмаган кўргазма" каби таърифларга бой мақолани чоп этди. Сидней матбуотида "Ўзбекистон маданий меросининг кашф этилиши", "Жаҳон андозаларига мос бу намойиш бугун дунё амалий санъат ихлосмандлари учун катта қувонч бағишлаётган байрамга айланди" каби мулоҳазалар тез-тез ўз ифодасини топмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур кўргазма доирасида Шарқ гиламлари бўйича халқаро анжуман ҳам ўтказилди. Унда юртимиздан борган олимлар ва соҳа мутахассислири фаол иштирок этдилар.

"Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва кулолчилиги" кўргазмаси 2005 йил февраль ойигача давом этади.

(ЎзА).

Қариш — қадим дурдоналаримиздан бири

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қадим шаҳарнинг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, ЮНЕСКО, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳар тўйига бағишлаб халқаро илмий конференция, шунингдек, тантанали байрам тадбири ташкил этилади.

Қадимий шаҳарларимиз юбилейлари муносабати билан ҳар доим муҳим ноширлик ишларини амалга ошириш яхши анъанага айланган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб-альбом чоп этилади. Шаҳар тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақида илмий ва бадиий асарлар нашр қилинади. Шу мавзуда илмий-оммабоп ҳужжатли фильм яратиш ҳам режалаштирилган.

Қаршининг асрлар силсиласига гувоҳ нечанеча қадимий обидалари шаҳар юбилейи арафасида қайта таъмирланади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда шаҳарнинг тарихий обидаларини 2004-2005 йиллар давомида таъмирлаш учун масъул этиб белгиланди.

Шундай кўҳна обидалардан бири — "Кўкгумбаз" масжиди XIV асрда қурилган. Режага кўра ушбу иншоотда таъмирлаш ишлари икки босқичда амалга оширилади. Жорий йил охиригача масжид ва айвонлар таъмирдан чиқарилади. Кейинги босқичда — 2005 йилнинг май ойигача масжидга ёндош ҳудудлар ободонлаштирилади.

Бундан ташқари, XIV асрда бунёд этилган Хўжа Убайд Жарроҳ масжиди минорасини таъмирлаш, ҳовлиси ва ҳудудини ободонлаштириш, XVI асрда тикланган Қарши қалъаси деворининг қолдиқ қисмини консервациялаш каби юмушлар ҳам кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар қандай ҳужжат, амалга оширилаётган ҳар бир чора-тадбирнинг замирида аввало инсон, унинг манфаатлари мужассамдир. Жумладан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан қурилиш, ободонлаштириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш мўлжалланяпти.

Қисқаси, қадимий шаҳарларимиздан яна бирининг тўйига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

(ЎзА).



Ҳавас қилгулик боғ

Рофи Ҳамроқулов ургутлик ўқувчиларга узоқ йиллар рус тили ва адабиётидан сабоқ берди. У касби-кори орқали элюрт орасида ҳурмат топди. Нафақага чиққач эса турмуш ўртоғи Хосиятхон ая, фарзандлари Фарҳод, Рофиқ ва Шуҳратни ёнига олиб, тоғ ёнбағридан боғ яратишга киришди.

Мана, шундан буён 14 йил вақт ўтди. Ҳозирда Рофи аканинг боғига ҳамма ҳавас қилади. Зеро, ҳар бир бош узум 1-2 килограммдан тош босмоқда, бунинг устига таъми ва ширасиз тилни ёради.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Нарпай тажрибаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тасаввур қилинг: яқин йилларда бир гектар ердан 3-3,5 тонна ҳосил олган деҳқон бугун бу кўрсаткични 4,5-5 тоннага етказаяпти. Эҳтимол, жорий йилда бундан-да юқори натижаларга эришилар. Негаки, ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Табиат эса бизга қарашиб турибди. Деҳқонларимиз чехраси мовий осмонимиздек очиқ, сахий қуёш нурларидек нурафшон.

Узоққа бормасдан нарпайликларнинг ўтган йилги одимларига эътибор қаратайлик. 11,8 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, ҳар гектар ердан 26,6 центнердан ҳосил олинди. Ялпи ҳосил 31400 тоннани ташкил этди. Мавжуд хомашёни етиштириш учун 5 миллиард 774 миллион сўм маблағ сарфланиб, 6 миллиард 525 миллион сўм даромад қилинди. Соф фойда — 750 миллион сўм.

Яна бир мисол. Туманда ўтган йили ялпи ҳосилнинг 86 фоизи биринчи, 6 фоизи иккинчи навларга сотилган. Бу йил эса саранжомланган 30200 тонна дурдонанинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Туман пахтакорлари имкониятлари даражасида яна 10 минг тонна пахта тайёрлашмоқчи. Пахта сортининг пасайиб кетмаслигини эса вазиятнинг ўзи кўрсатаяпти.

Бу нимани англатади? Албатта, манфаатдорликнинг ошишини. Зирабулоқ пахта тозалаш заводи» акционерлик жамияти раиси Шавкат Тоғаевнинг таъкидлашича, туманда пахтадан олинадиган йиллик даромад 10 миллиард 180 миллион сўмдан ошади. Соф фойда 3 миллиард 218 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Шу ўринда яна бир гап. Ўтган йили туманда пахта йиғим-терими даврида теримчиларга 1 миллиард сўм нақд пул берилганди. Бу йил эса ҳозиргача шунча миқдордаги маблағ теримчиларга тарқатилди. Айни пайтда ҳам «Пахтабанк»нинг Нарпай туман бўлими ҳар беш кунда пахтакорлар иш ҳақини етказиб турибди.

Туман ҳокимининг фикрича, кейинги уч йилда минерал ўғит, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материалларининг ўз вақтида етказиб берилишида ижобий ўзгариш ясалган. Жорий йилда бу борадаги ишлар қўнгилдагидек бўлди. Ғўза парваришидаги агротехник тадбирларни қай даражада бажаришни эса пудратчилару фермерларнинг ўзлари ҳал қилишди.

Ўз-ўзидан англашиладики, туманда деҳқонга эркинлик берилиши, унинг моддий манфаатдорлигининг оширилиши, меҳнат қилиш учун етарли шароитларнинг яратиб берилиши янгиянги муваффақиятларга йўл очаяпти. Ҳозирданоқ «Бўстон», «Самарқанд», «Иттифоқ», «Ғалаба», «Зарафшон», Алишер Навоий номли, Ислом шоир номли, Улуғбек номли ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 40 центнердан ошганлигининг боиси ҳам шунда. Ориф Отақулов, Ғофур Азимов, Жўрақул Раззоқов, Икром Алимов, Ойбаҳор Нуруллаева бош пудратчи бўлган жамоаларда эса бу кўрсаткич аллақачон 50 центнерга етди.

Хуллас, нарпайликларнинг пахтачилик соҳасидаги ўзига хос тажриба мактаби яратилганлигини бугун ҳеч ким инкор этмайди. Негаки, бу мактаб ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлаяпти.

Эсиргап БОЛИЕВ, Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Мамлакат тарихида биринчи марта

Эртага Афғонистонда мамлакат тарихида биринчи марта Президент сайлови бўлиб ўтади. Ўн саккиз номзод давлат раҳбарлиги учун кураш олиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Шундай бўлишига қарамасдан, Афғонистон шимолидаги Файзиобод шаҳрида портлаш содир этилди. Муваққат ҳукумат вакили мазкур воқеани мамлакат вице-президентлиги учун номзод Аҳмад Зиё Массудга нисбатан уюштирилган суиқасд дея баҳолади. Сайловда Ҳамид Карзай ғолиб чиқса, Зиё Массуд вице-президент бўлмоқчи. Хунрезлик оқибатида бир киши қурбон бўлди. Номзодга ҳеч бир жароҳат етмади.

Номзодлар мамлакатдаги турли гуруҳлар етакчилари билан учрашишга муваффақ бўлиб, сайловда қўллаб-қувватлашларини сўрашган. Ҳамид Карзай сайловлар адолатли ўтишига ваъда бермоқда.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, бу сайловда Ҳамид Карзайга собиқ таълим вазири Юнус Қонуний ҳамда генерал Абдулла Абдурашид Дўстум муносиб рақиб бўлиши кутилмоқда.

Гиёҳванд модда ушлаб қолинди

Екатеринбург милиция ходимлари катта миқдордаги героин моддасини қўлга туширдилар. Маълум бўлишича, 31 ёшли Тожикистон фуқароси 63 килограмм гиёҳванд моддани Екатеринбург шаҳрига олиб киришга уринган.

Свердловск вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот котиби Валерий Горелихнинг айтишича, гиёҳванд модда жойлаштирилган пакетлар устида араб тилида ёзувлар ҳам бор. Мутахассисларнинг фикрича, «қора бозор»да бу гиёҳванд модда 700 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланади.

Хаджимба норози

Абхазия президентлиги учун ўз номзодини қўйган Раул Хаджимба якшанба куни бўлиб ўтган сайлов натижаларини қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқда. Унинг назарида сайлов адолатли ўтмаган. Бунинг учун унда далиллар етарли эканлигини таъкидлади. Хаджимба икки ҳафта ичида қайта сайлов ўтказилишини сўрамоқда.

Раул Хаджимба айни пайтда Абхазиянинг Бош вазири лавозимини эгаллаб турганди. Сўнгги маълумотларга қараганда, Абхазия президенти Владислав Ардзинба уни истеъфога чиқарди ва ўрнига Нодар Хашбуни тайинлади.

Ҳар сафар кузда бўлганидек, бу йил ҳам АҚШда доимий истиқомат қилиш ҳуқуқини берувчи DV-2006 — "Green Card" лотереяси бошланганлиги эълон қилинди. Куни кеча АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасида айнан шу мавзуда брифинг бўлиб ўтди. Учрашувда Қўшма Штатларнинг мамлакатимиздаги Консули Куртис Воттс ОАВ вакилларининг мазкур виза ва Грин-карта лотереяси билан боғлиқ саволларига жавоб берар экан, қуйидаги маълумотларни берди.

«DV-2006» бошланди

Консул жанобларининг айтишича, лотерея ўйинларида қатнашиш учун сўровномалар аниқ белгиланган муддатда — 2004 йил 5 ноябрдан 2005 йил 7 январгача қабул қилинади. Сўнгги пайтларда кўпайиб кетган турли фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида АҚШ ҳукумати Грин-карт сўровномаларини интернет орқали тарқатишни йўлга қўйди. Ушбу лотереяда иштирок этмоқчи бўлганлар сўровномаларни АҚШ давлат департаментининг www.dvlottery.state.gov веб-саҳифасидан олишлари мумкин.

Лотереянинг ўзи ҳақида маълумот берадиган бўлсак, у 1990 йилда АҚШда қабул қилинган "Муҳожирлик ва фуқаролик тўғрисида"ги Қонун билан киритилган. Ундан кўзланган бош мақсад мамлакатнинг этник хилма-хиллигини оширишдир. АҚШ ҳукумати томонидан ҳар йили шундай тартибдаги 55000 та виза ажратилади. Лотереянинг расмий номи Diversity Immigrant visa lottery (Этник хилма-хиллик учун виза лотереяси) бўлиб, Грин-карта уни ютганларга берилади. "Green card" номи картанинг рангидан келиб чиққан ("green" - ўзбек тилида "яшил" маъносини беради).

Грин-карта ютган шахс бир қатор имтиёзларга ва ҳуқуқларга эга бўлади. Жумладан, АҚШ ҳудудида муқим яшаш, турли ижтимоий ҳуқуқлар (бепул таълим, бепул тиббий хизмат ва бошқ.) ва эркинликлардан фойдаланиш, ишга жойлашиш, ўз яқин қариндошларини виза орқали меҳмонга таклиф қилиш кабиларни келтириш мумкин.

Нотўғри тасаввур уйғонмаслиги учун шуни айтиш лозимки, Грин-карта лотереяси мутлако бепул бўлиб, ҳозир кўпайиб кетган ва Грин-карта ютишга кафолат бераётган турли фирибгарларга алданиб қолишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Лотерея компьютер томонидан ғолибларни тасодифий танлаб олиш йўли билан ўтказилади. Бундан ташқари, лотереяда ғолиб бўлиш АҚШга тўғридан-тўғри виза олиш кафолатини бермайди, уни ютиб олганлар белгиланган тартибда виза талабларини бажариши, АҚШда яшаш учун молиявий имкониятларга эга бўлиши лозим. Лотерея ўйинларида бир шахс фақат бир дона сўровнома тўлдиришга ҳақли.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шарҳловчи минбари

САЙЛОВ ОЛДИДАГИ СИНОВ

Америка демократияси ҳар тўрт йилда бир жиддий синовдан ўтади. Бу президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидир. Салкам бир йил давом этадиган бу жараён икки етакчи партия — икки паҳлавон ўртасидаги курашни эслатади. Бироқ мутлоқ ғолиб йўқ. Ҳар сафар курашда гоҳ униси, гоҳ буниси ғолиб чиқади. Қайси бири ғолиб чиқишидан қатъий назар тузум ўзгармайди, жамият ўзгармайди, қонунлар ўзгармайди, шаён-шавкату фахр-ифтихор ўзгармайди.

Ўша капиталистик тузум, ўша демократик жамият, ўша давр синовидан ўтган тартиб-қоидалар, ўша шаён-шавкатли Ватан, ўша ҳар бир америкаликнинг фахр-ифтихор туйғуси устун-устувор бўлиб қолаверади. Йўқ, кураш зарур. Ана шу устун-устуворлик курашларда намоён бўлади, сайқалланади, синовдан ўтади.

Агар кимда-ким республикачилар ватанпарварлик учун, демократлар эса демократик ўзгаришларни бойитиш ва мустаҳкамлаш учун курашадилар деса хато қилади. Демократияга мойиллик ва ватанпарлик учун кураш ҳар иккала партия вакилларининг шиори. Америка Қўшма Штатлари тарихида улар ҳеч қачон бундан чекинишмаган, афтидан, бундан кейин ҳам чекинишмайди. Улар Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишади. Демак, мақсад битта. Фақат мақсадга эришиш йўлида учрайдиган муаммоларга ёндашувларда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатда ва шундан келиб чиқиб қарорлар қабул қилишда фарқ бўлиши мумкин. Биз у ёки бу масалага ёндашувдаги фарқни демократ Картер билан республикачи Рейган, демократ Клинтон билан республикачи Буш президентлик қилган йилларда, шунингдек, бошқа даврларда ҳам кўрдик.

Бу сафар ҳам шундай бўлади. Бушнинг Америкаси Керрининг Америкасидан фарқ қилмайди. Ёки, Бушнинг ватанпарварлиги Керрининг демократиясини қурбон қилмаганидек, Керрининг демократияси Бушнинг ватанпарварлигини сўндира олмайди. Аксинча сайлов натижасида бу истак-хоҳишлар уйғунлашиб, АҚШ деган катта карвонни яна тўрт йил бошқарадиган сарбон аниқланади.

Сарбонликка номзодлар иккита. Уларнинг қайси бири катта карвонни хавфхатарсиз, қийинчиликсиз, халқнинг манфаатини кўзлаб бошқара олади?

Бу саволга шу йил ноябрь ойининг бошида жавоб топилади ва ғолиб аниқланади. Ҳозир номзодлар ўртасидаги кураш шундай босқичдаки, улар ўзларининг нималарга қодир эканликларини халқнинг олдида намойиш этиш мақсадида юзма-юз туриб мунозарали мулоқотлар ўтказишмоқда. Бу рақобатнинг аёвсиз усули. Рақобатчилар ўзларининг устунлик томонларини юксак маҳорат, топқирлик, ҳозиржавоблик, билимдонлик билан намойиш этишга интилар эканлар, ана шу жараёнда рақибининг хатоларини, нўноқлигини, уқувсизлигини юзига солиб, халқнинг олдида мулзам қилиш, обрўсизлантириш, сайловчиларнинг унга бўлган ишончларини йўқотишга уриниш пайида бўладилар. Шунинг учун номзодлар бундай мулоқотларга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрадилар ва ўзларини тайёрлайдилар. Бу шундай масъулиятли синовки, агар номзод ўзини кўрсата олмаса, бир неча ой мобайнидаги саъй-ҳаракатлари беҳуда кетиши мумкин.

Сайлов арафасида номзодлар ўртасида уч марта ана шундай масъулиятли мулоқот ўтказилади. Бугун, яъни 8 октябрь куни иккинчи юзма-юз мулоқот бўлади. Буш билан Керри ўртасидаги биринчи шундай мулоқот 30 сентябрь куни бўлиб ўтди.

Мана, бир неча кундирки, Майамида бўлиб ўтган ва бир ярим соат давом этган биринчи мулоқотнинг натижалари жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда. Бу мулоқот одамларда қандай таассуротлар қолдириб, номзодларнинг чиқишларини баҳолаш бўйича сўровлар ўтказилмоқда. Жумладан, «Ньюсуик» журнали ўтказган сўровга кўра, юзма-юз ўтказилган биринчи мулоқотдан сўнг Керрининг рейтинги 49 фоизни, Бушники эса 46 фоизни ташкил этган. Баҳоланки, шу пайтгача ўтказилган сўровларда ҳамиша Бушнинг рейтинги бироз баланд бўлган. Бундай ўзгариш «Лос-Анжелес таймс» газетаси ўтказган сўровларда аниқ ифодаланган. Яъни, бўлиб ўтган биринчи мулоқотга қадар сайловчиларнинг 48 фоизи Бушга ва 47 фоизи Керрига хайриҳоҳ бўлган эса, энди муносабатлар 49 ва 47 фоизлар нисбатида Керри фойдасига ўзгарди.

Бироқ бу сайловда, шубҳасиз, Керри ғалаба қилади дегани эмас. Бундан олдинги сайловларда сўровлар ҳамиша ҳам ҳақиқий ҳолатни ифодалаб бера олмаган. Ҳатто рейтинги паст номзод ғалаба қилган ҳолатлар бўлган. Ҳали олдинда иккинчи ва учинчи юзма-юз мулоқотлар турибди. Демак, номзодлар изчиллик ва қатъият, топқирлик ва ҳозиржавоблик кўрсатишлари, ўз фикр-мулоҳазаларини далил-исботлар билан асослашлари, сайловчилар ишончига сазовор бўлишлари учун ҳали имконият бор. Умуман олганда, кузатувчиларнинг фикрича, юқоридаги бироз фарқ қилувчи фоизлардан қатъий назар ҳозирча ҳар иккала номзоднинг имкониятлари тенг.

Хўш, биринчи юзма-юз мулоқот пайтида номзодлар қай даражада бир-бирларини мулзам қилиб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун қандай қатъият ва изчиллик кўрсатдилар? Шубҳасиз, Ироқдаги урушга уларнинг муносабатлари турлича. Керри, айниқса, бу мамлакатда оммавий қирғин қуроллари борлиги ҳақидаги маълумотлар етарли асосга эга бўлмаганлигига эътибор қаратди. У ўз фикрини «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган далил-исботлар билан асослади.

Номзодлар иқтисодий масалаларда ҳам бир-бирларини масъулиятсизликда айбладилар. Керри рақибини мулзам қилиш учун Огайо штатини танлади. Бу штат мамлакат металлургия саноатининг маркази ҳисобланади. Республикачилар вакили Жорж Буш мамлакатни бошқарган йилларда бу соҳада инқироз кучайиб, оммавий ишсизлик юзага келган. Штатда жами 270 минг ишчи ўрни йўқотилган. Керри буни Бушнинг юзига солди. Буш бўлса бунга жавобан демократ рақибининг иқтисодий дастурини танқид қилди.

Мулоқот пайтида Керри Буш ҳукуматининг қўйган ҳар бир қадамини танқид қилган бўлса, Буш унга зарба беришга ҳаракат қилди.

Ўтган сешанба куни Огайо штатининг Кливленд шаҳрида вице-президентликка номзодлар — республикачи Ричард Чейни билан демократ Жон Эдвардс ўртасида ҳам шундай мулоқот бўлиб ўтди. Бугун эса Керри билан Буш сайловчилар ишончига сазовор бўлиш учун иккинчи юзма-юз мулоқотда куч синашадилар.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Терроргa қарши резолюция

Европа Иттифоқи Парламент ассамблеяси(ЕИПА) терроризмга қарши кураш бўйича резолюция қабул қилди. Ушбу ҳужжат Россия делегацияси томонидан таклиф қилинганди. Бироқ резолюция матни муҳокамаси давомида россиялик парламентарийлар илгари сурган баъзи қатъий чоралар инобатга олинмади. Масалан, ЕИПА терроризмда гумон қилинаётган шахсларни экстрадиция қилишда турли хил "сиёсий изоҳлар амалиёти"дан воз кечиш таклифини муҳим деб топмади.

Шунингдек, ассамблея терроризмга қарши кураш сўз эркинлигини чеклашга важ бўлолмаслигини таъкидлади ҳамда "сохта диний мактаблар" деб аталмиш жойларни қонундан ташқари деб эълон қилишни хоҳламади.

Шундай бўлишига қарамай, россияликлар ҳужжатдан қониқиш ҳосил қилганнини таъкидлашмоқда. Россиянинг ЕИПАдаги делегацияси раҳбари, Давлат Думасининг Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Константин Косачёв "Ҳужжат бизга мутлақ маъқул келди", деди. Шу билан бирга, Косачёв резолюцияда Россия илгари сурган таклифларнинг 95 фоизи сақланиб қолганини, аммо унда жуда кўп изоҳлар мавжудлигини айтди.

— Буни мен Европа Иттифоқи Парламент ассамблеясининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида сўзсиз билимдонлигидан далолат деб биламан, — деди Россия делегацияси раҳбари. — Афсуски, шу билан бирга уни террорчиликка қарши курашдаги баъзи масалаларда омилкорлик белгиси эмас деб ҳисоблайман.

Умуман, экстрадиция масаласига келсак, ЕИПАга аъзо давлатларнинг ички қонунчилиги ва Европа конвенцияси агар жиноятда гумон қилинаётган шахс ўз мамлакатида сиёсий мотив бўйича таъқиб қилиниши мумкинлиги тўғрисида жиддий асос бўлса, уни ўша давлатга жўнатмасликни кўзда тутади.

Россия делегацияси эса терроризм билан боғлиқ жиноятларни сиёсийлаштириш амалиётидан воз кечадиган пайт келганини ҳамда экстрадиция бўйича 1957 йилда қабул қилинган Европа конвенцияси ва 1959 йилда маъқулланган Жиноий суд қилиш соҳаси бўйича суд ишларида ўзаро ёрдам тўғрисидаги Европа Конвенциясига ўзгартишлар киритиш зарур деган фикр билдирди. Бироқ бу ғояни европалик парламентарийлар қўллашмади.

Резолюция мазмунига келсак, унда европалик парламент аъзолари "терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга"лиги ва ушбу ҳуқуқларнинг бузилиши "терроризмга қарши курашдаги халқаро коалицияни кучсизлантириши, террорчилар томонига янги тарафдорлар жалб қилиши" мумкинлигини билдиришди.

Салим ДОНИЁРОВ.

Самолёт қулаб тушди

Судан жанубида АН-12 юк самолёти қулаб тушди. Тўрт нафар экипаж аъзоси ҳам ҳалок бўлди. Маҳаллий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, самолёт Россияга тегишли.

Айни пайтда Россия, Украина ва МДҲнинг бир қанча давлатларидан ўнлаб учувчилар шартнома асосида Суданда хизмат қилмоқда. Шунинг учун экипаж аъзоларининг қайси давлат фуқароси эканлиги ҳозирча маълум эмас.

Японияннинг Токио ва Канто ҳудудларида ер силкиниши қайд этилди. «Кюдо» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, зилзила Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллни ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, қурбонлар ва жиддий вайронагарчиликлар бўлмаган. Метро ва поездлар қатнови яна йўлга қўйилди.

Японияда зилзила

Покистонда портлаш

Покистондаги Мултон шаҳрида икки маротаба портлаш содир этилди. Дастлабки маълумотларга кўра, қурбон бўлганлар сони 35 нафарга етган. Маҳаллий полиция маҳкамаси вакилининг сўзларига қараганда, жабрланганлар 100 кишидан ортади.

Ҳозирча содир этилган хунрезлик орқасида қандай кучлар турганлиги маълум эмас.

Жаҳон мамлакатлари парламентлари

Раджа Сабҳани тарқатиш мумкин эмас

Дунёда аҳолисининг кўплиги жаҳатдан иккинчи ўринда турадиган Ҳиндистон парламенти икки — юқори палата Раджа Сабҳа ёки Штатлар кенгаши ва қуйи палата Лок Сабҳа ёки Халқ палатасидан иборат.

Лок Сабҳа депутатлари (1998 йилда улар сони 545 нафарни ташкил этган) штатлар ва иттифоқлар ҳудудида ташкил этилган сайлов округларида тўғридан-тўғри, умумий ҳамда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Парламент аъзоларидан бири президент бўлади. Лок Сабҳа ҳукуматга ишончсизлик билдириши ва унинг алмаштирилишини талаб қилиши мумкин.

Қуйи палата депутатлари беш йил муддатга сайланади. Аммо Бош вазир тавсияси ёки ҳукуматнинг истеъфога кетиши муносабати билан Президент уни муддатидан олдин тарқатиб юбориши мумкин. Молиявий масалалар билан боғлиқ қонунларни фақат Лок Сабҳа қабул қилади.

Раджа Сабҳага энг кўпи билан 245 депутат сайланиши мумкин. Уларнинг деярли ҳаммаси штатлар ва иттифоқ ҳудудлари қонун чиқарувчи мажлислари томонидан сайланади. 12 депутат эса адабиёт, санъат, фан соҳасида эришган ютуқларига қараб президент томонидан тайинланади. Раджа Сабҳани тарқатиш мумкин эмас. Лекин ҳар икки йил охирида палата аъзоларининг учдан бир қисми алмаштирилади. Натижада олти йилда депутатлар корпуси бутунлай алмашиб бўлади.

Қонунлар лойиҳаси ҳар икки палатада ҳам муҳокамадан ўтиши лозим. Раджа Сабҳа молиявий масалаларга боғлиқ қонун ҳужжатларига вето (тўсиқ) қўйиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, қонун лойиҳаларини қайта муҳокамага қўйиши ҳам мумкин. Бошқа қонунлардаги баҳсли жойлар қўшма сессияларда муҳокама қилинади. Қўшма сессияда ҳар бир депутат бир овозга эга. Шунинг учун бундай муҳокамаларда депутатлар сони кўп бўлгани учун Лок Сабҳа кўпроқ овозга эга бўлади.

Агар парламент мажлисда овоз беришда қатнашаётган ҳар икки палата вакилларининг учдан икки қисми рози бўлса, конституцияга ўзгартиш киритиш мумкин. Конституциянинг айрим моддаларига ўзгартиш киритиш учун уни барча штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларининг ярмидан кўпи ратификация қилиши керак.

Ҳиндистонда Президент давлат раҳбари ҳисобланади. У парламентнинг ҳар иккала палатаси аъзолари ҳамда штатларнинг қонун чиқарувчи кенгашлари аъзолари томонидан беш йил муддатга сайланади. Президент иккинчи муҳлатга қайта сайланиши мумкин.

Вице-президент ҳам парламентнинг ҳар икки палатаси аъзолари томонидан сайланади. Бош вазирни Президент тайинлайди. Одатда ушбу лавозимга қуйи палатада кўп овозга эга бўлган партия ёки ҳаракат раҳбари кўрсатилади. У Президент олдида ҳисоб беради.

Конституцияга биноан Президент тўла ҳокимиятга эга. Лекин 1977 йилда мамлакат конституциясига киритилган ўзгартишларга биноан, у ҳукумат тавсиясига мос равишда фаолият олиб бориши лозим. Президент штатларнинг юқори судлари, олий суд аъзолари тавсия қилган олий суд раиси ҳамда яна бир қанча юқори лавозимдаги шахсларни ҳам тайинлаш ҳуқуқига эга. Парламент томонидан қабул қилинган барча қонунлар ва ҳудудий актлар Президент томонидан имзолангандан кейин кучга киради. Давлат раҳбари штатларда фавқулодда ҳолатлар эълон қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Улуғой ДОЛИЕВА.

Журналист муаммо қўяди

Бойсунда 200 тадан зиёд булоқ бор. Ҳудуди катта — 345 минг гектар. Шундан суғориладиган ерларини сўрасангиз — бир ҳовуч — 2900 гектар — умумий ҳудуднинг юздан бир фоизидан ҳам оз.

Бойсунда сув... Борми?

Бойсун шаҳридан шимолий шарққа қараб йигирма чақиримча йўл юрсангиз, Омонхона ғорига борасиз. Ҳа, Омонхона илгари ғор сифатида тилга олинарди. Омонхонанинг чуқурлиги икки-уч одам бўйи келадиган кичкинагина ғорида гўшт, ёғ йиллаб сақланса ҳам айниб қолмаслигидан одамлар ҳайратланиб келдилар. Кейинчалик билсаларки, ғордан ҳам кўра ҳарсанг тошлар орасидан сизиб чиққан булоғи сеҳрли экан.

Булоқ сувининг ҳарорати +8°. Бу даража қишинёзин ўзгармайди. Қурғоқчилик йиллари бошқа булоқларнинг суви озайиб, ҳатто қуриб қолиши мумкин. Омонхона булоғи бундай эмас. Сув бир меъёрда келиб тураверади. Булоқ сувининг яна бир саҳий-саховати борки, унинг этни жунжиктириб юборадиган сувига чўмилаверинг — шамолламайсиз.

Дарбанд деб аталган дарё белига Дарбанд деб аталган қишлоқда кўприк солинган. Кўприкдан дарёнинг чап соҳили бўйлаб машҳур Мачай қишлоғи томонга йўл кетади. Шу йўлнинг кўприкдан ўнинчи чақиримидами Хўжамайхона деган яна бир машҳур булоқ бор. Машҳурлиги шундаки, суви йод билан тўйинган. Демак — шифобахш. Шу сувдан йилига уч марта тўйиб ичган одам буқоқ балосига чалинмайди, дейдилар.

Қўрғончанинг, Мачай, Сариқамишнинг Сайроб ва Панжобнинг булоқлари ҳам шундай — ҳар қайсиси ўзининг айрича сеҳри, хосияти билан тилга тушган.

Биз сўзимиз аввалида Бойсунда суғорма деҳқончилигу боғдорчилик асосан булоқларнинг суви билан олиб борилаётганини эслатувдик. Бироқ, яна эслатамизки, Бойсуннинг ҳар қадамида булоқлар бикиллаб қайнаб ётгани ҳам йўқ. — Ҳар бир булоқ ҳиссасида минг гектар суғориладиган, суғорса бўладиган ер. Оқар сув шунчалар кам. Шунчалар танқис. Шунчалар қадрли. Бойсунликларнинг «Ёмғир ёғди — сел бўлди, сувларимиз мўл бўлди» деб қўшилишиб қўшиқ айтишлари, сув ҳақидаги гурунгларнинг қайнаб туришлари — шундан.

Энди савол туғилади: Бойсунда булоқлардан бўлсин, дарёлардан бўлсин (тоғли Бойсунда дарёларнинг камлиги қизиқ. Ёзда суви тўпиққа чиқмайдиган иккитами-учта дарё) оқар сувни кўпайтириб бўлармикан.

Вақтида, сувни кўпайтирамиз, деган шиорлар янграганди. Бундан 15 йил аввал Дарбанд дарёси ўзанида сув омбори қурмоқчи бўлдилар ва тўрт-бешта уйни бошқа ёққа кўчиришдан эриниб бу ишни ташлаб қўйдилар. Хонгарон сойининг қуйи қисмида қуриб бошланган сув омборидаги ишларни ҳам қор босди. Беш йил илгари учтўртта алп корхона Хўжакўрқорати деб аталадиган жойлардан оқиб ўтадиган Санжар дарёси сувини Бойсуннинг Даштиғоз, Падаг, Ажрим деган дашт-далаларига бурмоқ учун бел боғлаб чиқувди. Шу шашт билан унча-мунча ишларни бажариб ҳам қўювди. Бугунга келиб бўлса иш адоғига етказилмади. Сув йўли қурилиши чала қолди. Демак, сув келтирилмади.

— Биз томонларда баҳор бир йил серёғин келса, икки-уч йил қурғоқчилик кузатилади, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Хидир Чоршанбиев. — Мана, 2004 йили 6 минг гектарча лалми ернинг ҳар гектаридан уч центнерданми ҳосил олиб қолдик. Оби ерларимизни ҳам кўпинча тўрт марта ўрнига икки, икки марта ўрнига бир марта суғориб қоламиз. Экамиз. Ишлаймиз. Лекин ёмғир томчиламаса, осмондан қўлимиз, ердан оёғимиз узилиб тураверамиз. Санжар дарёси сувини ўтказиб олишимизга тегишли идоралар ёрдам қўлини чўзса айни муддао бўларди. Умуман, булоқларнинг кўзига қараб ўтирмасдан Бойсунда ҳам ирригация тармоғини яратиш вақти келди. Фақат шу йўл билан бир томчи сувдан икки-уч томчи сувнинг самарасини олиш, булоқларнинг бошида, кичик жилғаларнинг қошида қўним топган 16 минг уйли Бойсун аҳолисини иш билан таъминлашни яхшилаш мумкин. Акс ҳолда лалми буғдой нима бўпти, дарахтларни, боғларни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Энди, гап мавриди келганда қисқача, Хўжамайхона булоғи сувидан фойдаланишни эслаб ўтсак. Аҳолини булоқнинг шифобахш суви билан таъминлаш учун катта иш қилинган эди: 12 чақиримга тортилган қувур сувидан туманнинг бешта катта қишлоғи баҳраманд бўла бошловди. 2002 йилда содир бўлган сел қувурнинг бир қисмига зарар етказди. Шу-шу, қувур созланмайди. Сув тўхтаб қолган.

Тўғри, қувурни таъмирлаш керак, лозим бўлса, Хўжамайхона булоғининг сувини газлаб, қадоқлаб сотишни (аҳолисининг маълум қисми буқоқ билан оғриб турган вилоят учун бу иш ғоят фойдали бўлмасмиди) йўлга қўйиш керак деган даъватни ўртага ташлаш қийин иш эмасдир. Лекин озгина ҳафсала ва ташаббус кўрсатилса, сув қадоқлаш нима иш бўпти, Санжарнинг сувини текис адирларга сидиришу сув омборларни қуриб қўйиш ҳам бунчалик мушкул бўлмас.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Савобли саёҳат

Бухоро вилоятларо ихтисослашган болалар уйи тарбияланувчилари жам бўлишиб, тарихий шаҳарнинг муборак қадамжоларини томоша қилишди. Сайру-саёҳатдан сўнг, дастурхонга ош тортилди. Бу харажатларнинг ҳаммасини вилоят марказидан Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳига қатнайдиган 130-йўналиш раҳбарияти Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўз зиммасига олди.

— Биз мурғак қалбларда шу азиз Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотган бўлсак, ўз мақсадимизга эришган бўламиз, — дейди тадбиркор Бахшилло Жалилов.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Фарзандининг қотили

Инсон борки, Яратгандан фарзанд сўрайди. Уни тарбиялаб-ўстиришни шараф, деб билади. Олтмиш ёшни қоралаган Бозорбой Т.нинг ҳам кўнглидан шундай гаплар ўтгандир. Бироқ...

Ярим тунда Ангрен шаҳридаги У. Юсупов кўчасида яшовчиларнинг ҳаловати бузилди. Айниқса, ўқ овозидан кейин қўшнилар нотинч бўлиб қолишди. Билишсаки, деворнинг қўшнилари Бозорбойнинг уйида тўс-тўполон бўлиб ётган экан. Оилавий жанжал чоғида жаҳлини жиловлай билмаган ота аввалига кичик ўғлининг бошига уриб йиқитади, кейин иккинчи фарзандини ички ишлар бўлими рўйхатида бўлмаган «ИЖ-58» русумли ов милтиғи билан отади. Оқибатда ўғилларнинг бири воқеа жойида вафот этади. Иккинчиси оғир аҳволда касалхонага ётқизилади.

Қотил отадан қурол тортиб олинди ва у энди ўз қилмиши учун жавоб беради.

Тунги шарпа

Оқшом чўккан маҳал. Собир Раҳимов тумани кўчалари бўйлаб кетаётган Феруза кимдир уни таъқиб қилаётганини сезиб қолади. Сўнг орқасидан келаётган шарпани ўтказиб юбормоқчи бўлиб, ўзини четга олади. Аммо у кечиккан эди. Айни шу пайт биров бечора қизга ташланиб, унинг бўйнидаги занжирни юлқиб қочади.

Бироқ босқинчи узоққа боролмади. Сергак милиция ходимлари айбдорни ўша заҳотиёқ қўлга олдилар. Аниқланишича, ушбу жиноятни муқаддам судланган Ҳабиб Р. содир этган бўлиб, у қизнинг бўйнидаги оддий сариқ металлдан ясалган занжирни тилла, деб ўйлаган экан...

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИ-АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН НУФУЗЛИ ТАЪЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА

тайёрлов курслари ташкил этилган бўлиб, унинг дастурига ўрта мактаб, лицей ва коллежларнинг битирувчи синфларида таҳсил олаётган ўқувчилар ва ўрта маълумотга эга шахсларни тарих, чет тиллари (инглиз, немис ва араб тиллари), маънавият ва маърифат, она тили ва адабиёт, математика фанларидан давлат тест синовларига тайёрлаш киради.

Тайёрлов курслари тингловчиларни университет ўқув-услубий кенгаши тасдиқлаган ўқув-режа ва дастур асосида таълимнинг давлат стандарти талаблари даражасида тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 9 ой.

Бинобарин, ўтган йилги тайёрлов курсларининг 80 фоиз тингловчилари олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари бўлиш шарафига муяссар бўлдилар.

Тайёрлов курсларида ўқиш 2004 йилнинг 10 октябридан бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: 144-00-56, 144-95-99.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



2004 йил 4 октябрдан 4 ноябргача

АДЛИЯ ВА СУД ИДОРАЛАРИ УЧУН ПЕШЛАВҲА (ВЫВЕСКА)ЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: 700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайилгоҳ к., 5-уй.

Техник ҳужжатларни қабул қилиш — 2004 йил 4 октябрдан 4 ноябргача.

Ишчи гуруҳ томонидан танловнинг дастлабки босқичидан ўтказилган тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 4 ноябрь соат 18.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: 132-00-29.

50/50

Ўзингиздан эмас — «ЎзДЭУ авто» автомобилларидан тежанг!

«ЎзДЭУ авто» компанияси "Асака" банки билан биргаликда — **«ЎзДЭУ автомобиллари — кредитга!»** номли янги акциясини ўтказмоқда. Энди сиз, «ЎзДЭУ авто» автомобилининг **50 фоиз** нархини тўлаб, унга эгалик қилишингиз ва қолган **50 фоизини** эса, йиллик **16 фоизни** инобатга олган ҳолда **2,5 йил** ичида тўлашингиз мумкин.

Шошилинг! Акция фақат 2004 йилнинг охиригача давом этади.

Хизматлар лицензияланган

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

«ЎзДЭУ авто» компаниясининг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

Маълумот учун телефонлар: 68 2410, 67 9774

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11

Товар сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Исматилла Эргашевга турмуш ўртоғи
ШАҲЛОнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Онахон ТОЖИБОЕВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'ZMATBAA-TA'MINOT» республика корхонаси жамоаси «Ўзбекистон Нашриёт-матбаа ижодий уйи»нинг директор ўринбосари
Гайрат Аминович АБИДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзўқувлойиҳа» институти жамоаси директор Санжар Содиқович Исломовга укаси
САИДБУРХОНнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Сил касалликлари кафедраси профессори
Камол ҒАНИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Туркистон» концерт саройи жамоалари Ўзбекистон халқ артисти
Нуриддин ҲАЙДАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғозлан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 21.35 23456